



Academia Review-A Multidisciplinary Online Journal

ISSN (Online): 3070-6726

Website: <https://academia.org>

Volume 2, Issue 2, February, 2026



This work is Licenced under Creative Commons Attribution 4.0 International License (CC BY 4.0).

# Solidarity As A Crucial Foundation For The Development Of New Uzbekistan

**Azimova Lola Karimovna,**

Associate Professor at the Uzbekistan

International Islamic Academy,

Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

**Abstract.** The article examines the position of solidarity adopted by New Uzbekistan amid contemporary globalization processes, its peace-oriented and just policy, as well as the practical manifestation of economic, social, and spiritual reforms in the life of society. The analysis is based on the Address delivered by the President of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev, to the Oliy Majlis and the people of Uzbekistan on December 26, 2025. Furthermore, the principle of “human – society – state” is analyzed in the context of the harmony between the ideas of solidarity and peacebuilding.

**Keywords:** solidarity, peacebuilding, principle, reform, policy, strategy, stability, development.

## Ҳамжиҳатлик – Янги Ўзбекистон Тараққиётининг Муҳим Асоси

**Азимова Лола Каримовна,**

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси доценти,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мақолада бугунги глобаллашув жараёнларида Янги Ўзбекистоннинг ҳамжиҳатлик позицияси, тинчликсеварликка йўналтирилган одилona сиёсати ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислохотларнинг жамият ҳаётидаги амалий ифодаси масаласи Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидаги таҳлилий нутқи



асосида очиб берилган. Шунингдек, “инсон – жамият – давлат” тамойили масаласи ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварлик ғоялари уйғунлигида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ҳамжиҳатлик, тинчликсеварлик, тамойил, ислохот, сиёсат, стратегия, барқарорлик, ривожланиш.

Бугун дунё ҳар қачонгидан шиддатли ва бўҳронли даврни бошидан кечирмоқда. Тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик деган тушунчалар инсоният учун улуғ неъмат, муқаддас туйғу сифатида тобора юксак аҳамият касб этмоқда. Ўтган асрларда дунёни эгаллаш учун курашлар очиқ-ошкора, асосан жисмоний таҳдидлар ва зўравонлик воситалари орқали амалга оширилган бўлса, бугунги даврга келиб, улар мисли кўрилмаган даражада жисмоний, руҳий, техникавий ва ғоявий таъсирлар орқали якка ҳукмронликка интилиш кўринишида намоён бўлмоқда. Энг ташвишланарли жиҳати шундаки, тинчликка қаратилган саъй-ҳаракатлар кўп ҳолларда дунё ҳамжамиятида ҳукмронликка бўлган манфаатлар соясида қолиб, амалга ошмайдиган орзу сифатида қабул қилинмоқда.

Мураккаб ва таҳликали глобал шароитда тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини ҳаёт мезонига айлантириш ҳар бир давлат учун стратегик аҳамият касб этади. Шу маънода, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт негизи ҳам айнан ана шу муқаддас ва кадрли тушунчаларнинг жамият ҳаётида мустаҳкам қарор топиши учун муҳим асос ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро ва республика миқёсидаги ҳар бир чиқишларида дунёда содир бўлаётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилиқлар, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган ўта таҳликали бир вазиятда яшаётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Хусусан тинчликка қаратилган муҳим тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мазкур Мурожаатномада Янги Ўзбекистон тараққиётига қаратилган кенг қамровли ислохотлар чуқур таҳлил этилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва барқарор



ривожланишни таъминлашга қаратилган амалий ечимлар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Энг муҳими, ушбу ташаббуслар замирида жамиятда ҳамжиҳатлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, халқни умумий мақсадлар атрофида бирлаштиришга қаратилган улкан ва эзгу мақсадлар мужассамдир. Шу жиҳатдан, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварлик ғоялари Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки жамиятда барқарорлик, аҳоли ўртасида ўзаро ишонч ва тотувлик бўлмас экан, ҳеч қандай иқтисодий ёки ижтимоий ислоҳот ўз самарасини бермайди. Шу маънода, тинчлик – тараққиётнинг энг муҳим шarti, ҳамжиҳатлик эса унинг мустаҳкам пойдевори бўлиши лозим [1].

Бугун Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини қарор топтиришга қаратилган. Бу жараёнда турли миллат ва элат вакилларининг, турли дин ва эътиқод соҳибларининг бир мақсад атрофида жипслашиб яшаши алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечираётгани, турли конфессияларга мансуб фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳити қарор топгани ҳам айнан ана шу ҳамжиҳатлик сиёсати самарасидир.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон – жамият – давлат” тамойили ҳам тинчликсеварлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқ. Бу тамойил ҳар бир фуқаронинг ўзини жамиятнинг ажралмас қисми сифатида ҳис қилиши, давлат эса халққа хизмат қиладиган механизм сифатида фаолият юритишини назарда тутди. Бундай ёндашув жамиятда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаб, турли қараш ва манфаатлар ўртасида мувозанатни таъминлайди. Мазкур ғоялар Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро минбарлардаги нутқларида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2025 йил сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида давлат раҳбари инсоният келажаги, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида эканини алоҳида таъкидлаб, ёшлар қалби ва онгига тинчлик, гуманизм, дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб



ғояларни сингдириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканини қайд этдилар. Шу билан бирга, мамлакатимиз барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва яқин шерикликка асосланган муносабатлар тарафдори экани, халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссасини қўшишга доим тайёр экани алоҳида таъкидланди. Бу эса “Инсон – жамият – давлат” тамойилининг нафақат ички, балки халқаро миқёсда ҳам тинчлик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилаётганини яққол намоён этади [2].

Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ҳам тинчликсеварлик ва ҳамжиҳатлик устувор аҳамиятга эга. Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши минтақада барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдонда очик, конструктив ва тинчликка қаратилган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Айни пайтда, ташқи сиёсатдаги бундай ёндашув мамлакат ичида ҳам ҳамжиҳатлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқдир. Чунки халқаро майдонда тинчлик ва ўзаро ишончни тарғиб қилаётган давлат ўз жамиятида ҳам бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини қарор топтириши лозим. Шу маънода, Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари, турли дин ва конфессияларга мансуб фуқаролар ўртасидаги тотувлик давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги, маҳалла тизимининг аҳамияти, ёшлар ва хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги иштироки тобора ортиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Жамиятнинг барча қатламларини умумий мақсадлар атрофида бирлаштириш, ўзаро ишонч ва масъулият ҳиссини кучайтириш орқали барқарор тараққиётга эришиш мумкин. Ана шу жиҳатдан, ҳамжиҳатлик ва тотувлик Янги Ўзбекистоннинг нафақат ташқи сиёсий муваффақиятларининг, балки ички барқарорлик ва ижтимоий тараққиётининг ҳам муҳим кафолати ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварлик Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдевори, барқарор ривожланишнинг энг



муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Бугунги глобал беқарорлик, қарама-қаршиликлар ва таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда жамиятни бирлаштирадиган, халқни умумий мақсадлар атрофида жипслаштирадиган ана шу қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, “инсон – жамият – давлат” тамойилига асосланган сиёсат, ички ва ташқи муносабатларда очиклик ҳамда ўзаро ишончга таянган ёндашув жамиятда тотувлик муҳитини янада мустаҳкамламоқда. Бу эса фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини ошириб, барқарор тараққиёт учун мустаҳкам ижтимоий асос яратади. Шу маънода, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварлик фақат давлат сиёсати даражасида эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётий позициясига айланиши лозим. Чунки жамиятда ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва масъулият ҳисси қанчалик кучли бўлса, Янги Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик барқарор, халқ фаровонлиги эса янада юксак бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (2025 йил 26 декабрь). – Тошкент, 2025.
2. Янги Ўзбекистон: тараққиёт стратегияси. Илмий-оммабоп тўплам. – Тошкент: Ма’навият, 2022.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.